

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Божхона қўмитаси бош инспектори: А.Маҳмудов

Республика ва дунёнинг бошқа давлатлари ўртасида халқаро савдони ривожлантириш, ишлаб чиқариш интеграциясининг кенгайиши ва такомиллашуви ташқи иқтисодий фаолиятнинг янада эркинлашувига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш мақсадида, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ 4947-сон Фармони эълон қилинди. Унда иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта асосий устивор йўналишларидан бири эканлиги белгилаб берилди. Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятда амалга оширилаётган либераллаштириш жараёнлари натижасида, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш халқаро амалиёт меъёрларига ва талабларига борган сари яқинлашмоқда, миқдорий чеклашлар борган сари тарифлар асосида тартибга солинмоқда. Юртбошимиз ташаббуслари билан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига мислсиз қулайликлар яратиб берилмоқда. Буларга асосий сабаб ҳам мамлакат экспорт ҳажмини ошириб бугунги кунда олдимизга қўйган асосий мақсадимиз, яъни Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш ҳисобланади. Ўзбекистон 1994 йилдан буён ушбу ташкилотда кузатувчи сифатида қатнашиб келмоқда. Ушбу ташкилотга аъзолик ҳуқуқини қўлга киритиб, унинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлансак, мамлакатимиз учун кўплаб йўللار очилади, натижада ташқи савдода бозорнинг кенгайиши, ўзаро рақобатнинг ошиши, савдо-сотикни ривожланиши асосида инфратузилмани кенгайиши каби афзалликларга эга бўламиз. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона тўловларини қўллаш такомиллашмоқда. Бу борада импорт божхона божлари бўйича бир қатор ислохотлар олиб борилмоқда. 2002-2023 йилларда ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъерий ҳужжатларда импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкаси 9.72 фоизга камайган.

Божхона тўловлари мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишига мутаносиб равишда ташқи савдо айланмасини зарур даражада тартибга солиш, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда фискал вазифаларни бажариш мақсадларида қўлланилади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ташқи

иқтисодий фаолиятни тартибга солишда божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш ҳозирги кунда асосий долзарб масалалардан биридир.

Дунё мамлакатларида ўз иқтисодиётининг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб, турли хил божхона тўловлари ва ставкаларидан фойдаланади ҳамда уларни қўллашда имтиёз ва преференциялар беради.

1-жадвал.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкасини ўзгариши, фоизда (2002-2023 йиллар)

Ўз.Р.В.Мнинг 31.05.02 йилдаги 189-сонли Қарори	Ўз.Р.В.Мнинг 07.01.04 йилдаги 4-сонли Қарори	Ўз.Р.Президенти нинг 19.09.05 йилдаги ПҚ-183-сонли Қарори	Ўз.Р.Президенти нинг 27.03.08 йилдаги ПҚ-823-сонли Қарори	Ўз.Р.Президенти нинг 05.08.09 йилдаги ПҚ-1169-сонли Қарори	Ўз.Р.Президенти нинг 29.09.17 йилдаги ПҚ-3303-сонли Қарори	Ўз.Р.Президенти нинг 29.06.18 йилдаги ПҚ-3818-сонли Қарори	Ўз.Р.Президенти нинг 26.12.18 йилдаги ПҚ-4086-сонли Қарори
15.31	14.81	14.84	14.93	14,84	6,50	4,06	5,59

Амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда товарларни экспортини рағбатлантириш мақсадида товарларни божхонада экспортга расмийлаштиришда божхона тўловлари ундирилмайди (бундан божхона йиғимлари мустасно). Асосий божхона тўловлари республикамизга четдан олиб келинаётган товарлардан ундирилади ва улар жами ундириладиган божхона тўловларининг қарийб 98 фоизини ташкил этади. Мамлакатимизда тадбиркорларга яратилаётган қулайликлар ва божхона тўловларидан берилаётган имтиёзлар натижасида республикамиз ташқи савдо айланмаси 2023 йилда 2000 йилга нисбатан 7 мартага яқин ошди. Бу йилларда экспорт 4,3 ва импорт ҳажми 6,6 мартага ошди. Шунингдек бу даврда экспорт ва импорт таркиби ҳамда географияси ҳам ўзгариб борди, жумладан экспорт таркибида пахта толасининг улуши 897,1 млн.АҚШ доларидан 222,1 млн.АҚШ доларига тушиб, 4 мартага камайди ва мамлакат эспорти таркибида тайёр маҳсулотлар кўпайди. Шунингдек аҳоли жон бошига тўғри келган ташқи савдо айланмаси 2000 йилда 254,2 АҚШ доларини ва 2018 йилда 1016,6 АҚШ доларни ташкил этиб, бу кўрсаткич юқоридаги йилларда 4 мартага ошди.

Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охириги йилларда қатор ислохатлар амалга оширилмоқда. Ташқи

иқтисодий фаолият қатнашчиларига бу йўналишда қулайликлар яратилмоқда. Бунинг натижасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан - йилга ошмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу кўрсаткич 2010-2018 йилларда 5,7 мартага ошган. Божхона тўловларини ўсишига: импорт товарларининг ҳажмини кўпайиши, товарларнинг божхона қийматини аниқланишини такомиллашадиганлиги, божхона тўловлари ставкаларини ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона соҳасида **автоматлаштирилган ахборот тизими**дан самарали фойдаланиладиганлиги, божхона соҳаси бўйича меъерий-ҳуқуқий базани такомиллашадиганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.

1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2010-2022 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари миқдори. млрд.сўмда



Ўтган қисқа вақт мобайнида божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши ҳам ортиб борди, жумладан 2013 йилда бу кўрасткич 17,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2023 йилда 20,1 фоизни ташкил этди.

2-жадвал


Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши, фоизда.

Кўрсаткич	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Божхона тўловларининг давлат бюджети даромадлари қисмидаги улуши, %	17,2	18,0	16,3	13,7	15,2	18,5	15,3	18,5	20,1

Шуни қайд этиш лозимки, ўтган тўққиз йил давомида давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловларига нисбатан ундан берилган имтиёзлар ҳажми ҳам йил сайин ошиб келмоқда. Агарда, 2010 йилда берилган имтиёзлар миқдорини 2023 йилдаги билан солиштирадиган бўлсак, бу даврда ушбу кўрсаткич 11,6 мартага ошган. Божхона тўловларидан берилган имтиёзларни ошишига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳаллийлаштириш дастурлари ва давлатимиз билан эркин савдо зонаси ташкил этган давлатларда ишлаб чиқарилган товарларга берилган преференцияларнинг кўпайиши сабаб бўлган.

2-диаграмма.

**Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан
2010-2023 йилларда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар динамикаси
(млрд.сўмда)**



Ушбу таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги юртимиздаги ишлаб чиқарувчи ташкилотларга берилган имтиёзларнинг кўпчилиги экспортни рағбатлантириш мақсадида берилган, аммо бахтга қарши йилдан йилга импорт ҳажми ошиб бормоқда. Бу эса юртимиздагимизнинг ички ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлилигини юқори даражага кўтариш талабини қўймоқда. Бу ишни амалга оширмай туриб, биз Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўла олмаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловларини қўллашни янада оптималлаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

Импорт божхона божига ноль даражали ставкаларни камайтириш, яъни 62.7 фоиздан 18-20 фоизга, яъни уч баробарга қисқартириш масаласи кўриб чиқилиши керак. Бунинг натижасида бюджет даромадларига божхона тўловларидан тушадиган маблағлар янада ошади. Мамлакатимизга тўғридан-тўғри инвестиция олиб келиб, ишлаб чиқариш ташкил қилаётган инвестрларга шароит яратилади.

- божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, четдан олиб келинган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказилгандан кейин мақсадли ишлатилишини мониторинг

қилиш ва ушбу товарлардан мақсадли фойдаланган ҳалол ташқи иқтисодий фаолият субъектларига тўланган божхона тўловларини қайтариш механизмини жорий этиш.

Юқоридаги таклифларни инобатга олган ҳолда мазкур йўналиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалигига интеграциялашувини янада тезлаштиради ҳамда божхона тўловларини йиғилувчанлигини ва унинг Давлат бюджети даромадлар қисмидаги улушини янада ошишига олиб келади.